

Кўнгиллилар Маккада 10 мингдан зиёд ифторликлар тарқатишмоқда



14:00 / 04.05.2021 2163

Рамазон ойининг дастлабки 15 кунда Макка шаҳридаги «Икром» озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш уюшмаси томонидан 115000 дан зиёд ифтор тарқатилмоқда. Бу ҳақда islam.ru манбаси хабар берди. Озиқ-овқат маҳсулотлари чет эллик талабалар, соғлиқни сақлаш соҳаси мутахассислари ва муҳтожларга тарқатилди.

Уюшма директори Аҳмад ал-Матрафийнинг айтишича, маҳаллий кўнгиллилар ва аҳоли Макканинг 25 та маҳалласидаги уйларга ҳар куни 10 000 дан ортиқ иссиқ овқат тарқатишмоқда.

Ифторлик учун сув, хурмо ва миллий таомлардан иборат пакетлар музлатгичли транспортларда сақланмоқда.

Ал-Матрафининг таъкидлашича, ушбу хайрия кўнгиллилар учун имкониятлар яратади ва барча туманларда хайрия ишларини янада кўпайишига сабаб бўлади. Шунингдек, хайрия аъзолари чет эллик мигрантлар ва рўза тутганлар учун ифторлик қилишда ёрдам беришни давом эттиришмоқда.

Таржимон: Мунира Баҳодиржон қизи